

## АЛКОГОЛГА ҚАРАМЛИК ВА УНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

Авеzова Гулойим Саттаровна,

Тошкент тиббиёт академияси.

### ✓ Резюме

*Спиртли ичимликлар дунёнинг деярли барча мамлакатларида истеъмол қилинади, шунга қарамасдан у одамлар ҳаётининг турли жиҳатларига таъсир қиласди ва жамиятга иқтисодий зарар етказади. Алкоголнинг салбий таъсири ижтимоий ва тиббий жиҳатдан турли шаклларда намоён бўлади. Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ўтмишда ҳам ҳозирги кундагидек жамиятнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг салбий оқибатларига қарамасдан келажакда ҳам худди у худди шундай позицияда сақланиб қолади. Маъқолада турли мамлакатларнинг алкогол ва ичкиликтозларга нисбатан олиб борган сиёсати кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикасининг алкоголизмни камайтириши ва ичкиликтозликка қарши кураш, ҳамда соғлом турмуш тарзини шаклантиришига қаратилган асосий қонун ҳужжатлари таҳлил қилинган.*

*Калим сўзлар: алкоголизм, давлат сиёсати, алкоголизм профилактикаси, соғлом турмуш тарзи.*

## АЛКОГОЛЬНАЯ ЗАВИСИМОСТЬ И СИСТЕМНЫЙ ПОДХОД К ПРОФИЛАКТИКЕ

Авеzова Г.С.,

Ташкентская медицинская академия.

### ✓ Резюме

*Алкоголь употребляется почти во всех странах мира, воздействует на различные аспекты жизни людей и наносит экономический ущерб обществу. Негативное влияние алкоголя имеет разные формы проявления как социального, так и медицинского характера. Современное состояние проблемы и история вопроса позволяют считать, что употребление алкоголя является неотъемлемой частью жизни общества и будет играть такую же роль в будущем, несмотря на негативные последствия его употребления. В статье сделан обзор политики различных стран в отношении алкоголя и зависимых от алкоголя, рассмотрены основные Законодательные акты Республики Узбекистан, направленные на снижение алкоголизма и борьбу с алкогольной зависимостью, а также формирование здорового образа жизни.*

*Ключевые слова: алкоголизм, государственная политика, профилактика алкоголизма, здоровый образ жизни.*

## ALCOHOL DEPENDENCE AND A SYSTEMATIC APPROACH TO PREVENTION

Avezova G.S.,

Tashkent medical Academy.

### ✓ Resume

*Alcohol is consumed in almost all countries of the world, affects various aspects of people's lives and causes economic damage to society. The negative impact of alcohol has different forms of manifestation, both social and medical. The current state of the problem and the history of the issue allow us to believe that alcohol consumption is an integral part of society and will play the same role in the future, despite the negative consequences of its use. The article reviews the policies of various countries in relation to alcohol and alcohol addicts, examines the main Legislative acts of the Republic of Uzbekistan aimed at reducing alcoholism and combating alcohol dependence, as well as the formation of a healthy lifestyle.*

*Keywords: alcoholism, state policy, prevention of alcoholism, healthy lifestyle.*

## Долзарблиги

Алкоголизмга қарши ўтказилаётган интенсив ва фаол тиббий чора-тадбирларга қарамасдан, бутун дунёда алкоголизм муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) [16] маълумотларига кўра, ҳар йили спиртли ичимликлар истеъмол қилиш натижасида 3,3 миллион киши нобуд бўлади. Бутун дунёда йилига 15-29 ёшгача бўлган ёшлар орасида 320 минг спиртли ичимликлар билан боғлиқ ўлим ҳолатлари қайд этилиб, бу ёш гуруҳида барча ўлим сабабларининг 9,0% ини ташкил қиласди. Спиртли ичимликлар жиддий ижтимоий ва ривожланиш муаммолари билан боғлиқ, зўравонлик, шу жумладан, болаларга бепарвонлик, уларнинг қаровсиз қолиши каби жиддий оқибатларга сабаб бўлди [5,10,13,15].

Ҳозирги иқтисодий шароит ва соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш даврида спиртли ичимликларга қарамалик тиббий ва ижтимоий жиҳатдан энг долзарб муаммалардан бири бўлиб, оила ва иш жойида турли қасалликлар, номутаносиб хатти-ҳаракатлар, низоли вазиятларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Маълумки, ичкиликтозлик ва алкогольм ишлаб чиқариш жароҳатларининг асосий сабабларидан биридир. Спиртли ичимликларни ҳаддан ташқари кўп ичадиган одамлар орасида турли сабаблардан ўлганлар сони умумий аҳолига нисбатан 2 - 4 баробаргача кўпни ташкил қиласди. Ўлим даражаси нафақат жароҳатлар билан, балки ортиқча спиртли ичимликларни истеъмол қилиш оқибатида юзага келадиган қасалликлар билан ҳам боғлиқдир. Бунинг оқибатида биринчи навбатда, юрак-қон томир ва ошқозон-ичак тизими қасаллик-



лари ривожланади. Бундан ташқари, алкоголизмнинг ўзига хос касалларни: жигар циррози, кардиомиопатия, руҳий - эмоционал психозлар, шахснинг деградацияси ва бошқалар келиб чиқади [4,5,10,13].

Мақоланинг мақсади: Ўзбекистон Республикасининг (шу жумладан, СССР нинг ҳам) ичимликтозликка қарши курашиши ва алкоголизмнинг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатларини кўриб чиқиш.

Тадқиқот материаллари: Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, адабиётлар манбалари.

Тадқиқот усуслари: информацион-аналитик.

## Натижва таҳлиллар

Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва спиртли ичимликларга муносабат турли даврларда, хусусан турли мамлакатларда ўз тарихига эга. Таркибида спирт сақловчи ичимликларни ичишни тақиқловчи чоралар қадимдан қабул қилинган, Жумладан, Хитой императори Ву Вонг милоддан аввалги 1220 йилда чиқарган фармонига биноан, маст деб топилган барча шахслар ўлим жазосига тортилган. Қонунлари бу мамлакатнинг барча аҳолиси учун мажбурий бўлган қадимги Ҳиндистон дини шароб ичишни тақиқлаган. Бу қонунни бузган олий касталарнинг баъзи аъзолари ўлим содир бўлгунга қадар қайноқ вино ичишга мажбур бўлганлар, бошқалари маркаланиб, пешоналарига вино идиши тасвири чизиб қўйилган. Мусулмон динида ҳам маст қилувчи ичимликларни ичишни ман этилган. Қадимги Юноностонда Афина ёзма қонунларининг биринчи тўплами қонун чиқарувчи Дракон томонидан милоддан аввалги 621 йилда чиқарилган. Бу қонунлар жуда шавқатсиз бўлиб, спиртли ичимликлар ичганларга "қатл" жазоси қўлланилган. Кейинчалик Соломон даврида қонунлар бироз енгиллаштирилган, спиртли ичимликлар ичганларни қатл этиш тўхталилган, бироқ уларга нафрат билан қаралган. Қадимги Римда эркакларга 30 ёшгача, аёлларга эса бутун ҳаёти давомида шароб ичиш тақиқланган. Хотинини маст ҳолатда тоғпан ҳар бир Римлик уни ўлдиришга ҳақли бўлган. Қадимги Спартада қулларга спиртли ичимликлар ичирилиб, уларни ёшларга намойиш қилишган. Кейинчалик бу ёшларда спиртли ичимликларга нафрат ва қўркув ҳиссини уйғотган [6,7,11].

Қадим замонлардан ўрта асрларга келиб, ичимиликбозларга нисбатан муносабат анча енгиллаши. Жамиятнинг спиртли ичимликларга бўлган муносабатининг юмаши XX асрда келиб алкоголизм билан оғриган беморлар сонининг ортишига олиб келди. Жумладан, иқтисодий жиҳатдан ривожланган 15 та мамлакатда алкоголизмнинг тарқалганлиги ўртача йиллик даражаси 1900-1929 йилларда 1000 аҳолига 0,3; 1956-1975 йилларда 12,3ни ташкил қиласган бўлса, 1930 йилдан 1965 йилгача алкоголизм билан касалланган шахслар сони 50 мартадан ортиқ кўпайди [14].

1980 - йиллардан бошлаб алкоголизм муаммосини ўрганишга бағишлиланган йирик эпидемиологик тадқиқотлари олиб борилган; улар алкоголизм ва ичимиликбозликнинг тарқалиши мамлакатдан мамлакатга сезиларли даражада ўзгариб туришини кўрсатади. Бу тадқиқотлар натижалари ривожланган мамлакатлар Америка Қўшма Штатлари, Швейцария ва Швеция, шунингдек Францияда алкоголизм энг кенг тарқалганлигини асослаб берди. Бироқ вақт ўтиши билан кўрсаткичлар ўзгарди; масалан, АҚШда спиртли

ичимликлар истеъмоли камайди, бироқ собиқ Совет Иттифоқи ва Японияда эса - ошиди [7,8].

Йигирма биринчи асрнинг бошига келиб, бутун дунёда йилига 200 миллиард литр спиртли ичимликлар ишлаб чиқарилган; барча ривожланган мамлакатларда 15 ўндан ошган аҳолининг аксарияти, шунингдек 1/6 эркаклар ва тахминан 1/13 аёллар кундалик спиртли ичимликлар истеъмол қилиши аниқланган [11].

Ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига спиртли ичимликлар истеъмол қилиш йилига 7-14 литрни ташкил этади [16], ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич пастроқ, лекин юқорига кўтарилиш тенденцияси мавжуд.


Россияда спиртли ичимликлар истеъмоли турли тарихий даврларда турлича бўлган. Руслар асрлар давомида спиртли ичимликларни ичишган ва улар Европа аҳолисини ичишга ўргатган деган афсоналар мавжуд. Аслида Россия тарихдаги ичимиликбозликка қарши чоралар ишлаб чиқсан энг биринчи давлатлардан бири бўлган. Шароб савдосини монополлашибдириш бўйича кетма-кет чораларни амалга оширган биринчи подшолардан бири Иван Грозний бўлган. У яширинча виночилик билан шугулланисиб, шароб сотганларни қаттиқ жазолаган. Пётр I даврида шароб ичганларга "ичимиликбозлик учун" ёзуви бўлган 7 кг оғирликдаги чўян медал осиб қўйилган ва бу одамлар билан муносабат ўрнатилмаган. Россия қонунчилиги ўзининг инсонпарварлиги билан ажralиб турарди: бошқа мамлакатларда ичимиликбозлик учун шафқатсиз жазолар жорий этилган бўлса, Россияда уларга асосан маънавий-маърифий чоралар ва пул жарималари қўлланилган. 1895-йилда чор ҳукумати Россияда спиртли ичимликлар сотиш бўйича давлат монополиясини жорий этди. Шароб ишлаб чиқариш ва сотиш чор Россияси хазинага яхши фойда берди, бюджетдаромаднинг учдан бир қисмиспиртли ичимликлар сотишдан олинган фойда ҳисобитга тўлдирилди.

ХХ ва XXI -асрларда ичимиликбозликнинг кенг тарқалиши рус жамиятини ҳушёрликка ўтишга унади [11]. 1914-йилда биринчи жаҳон уруши арафасида Россия бўйлаб спиртли ичимликларнинг барча турларини ишлаб чиқариш ва сотишни тақиқловчи Қироллик фармони эълон қилинди [12]. Кучли спиртли ичимликлар фақат ресторонларда сотилган. Бироқ қонунин четлаб ўтишнинг кўплаб усуслари мавжуд бўлсада, бир киши учун ўртача спиртли ичимликлар истеъмоли ўн мартадан кўпроқ камайди. Катта Совет энциклопедияси маълумотларига кўра, спиртли ичимликлар жон бошига 1913-йилда-4,7 литр; 1915-йилда-0,2 литр; 1925 - йилда-0,88 литр; 1940-йилда 1,9 литри стеъмол қилинган. Қироллик фармони чоп этилгандан сўнг 1914 иккинчи ярмида, Санкт-Петербургда мастили оқибатида жиноят қиласган маҳбуслар сони 70%га, алкоголизм туфайли ўз жонига қасд қилиш-50% га камайди. Худди шундай натижалар Россиянинг бошқа 9 та вилоятида ҳам кузатилган. Россияда Совет ҳокимиятининг ўрнатилишидан сўнг ҳам алкоголизмга қарши кураш давом этирилди.

Бироқ 1923-йил 26-августда СССР нинг Марказий Қўмита (ЦИК)си алкоголли ичимликлар ишлаб чиқариш ва савдосини қайта тикилаш тўғрисида фармон чиқарди. Бироқ, 1929 да Совет Иттифоқи ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият органлари пиво дўконлари ва бошқа ичимилик муассасаларини оммавий ёпишга киришилар, уларни ошхона ва чойхоналарга айлантиридилар.

"Хушёрлик ва маданият" журналининг нашри ташкил этилиб, унда ичкиликбозликга қарши кураш ва соғлом турмуш тарзи тарғиб қилинди. Кейинчалик алкогогла қарши Қонунлар 1958, 1972-йилларда ишлаб чиқилди. СССРда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш барқарор равиша ошиди ва шунинг учун 1985-1987 йида маъмурӣ ва жиноий жазолар, шунингдек хушёрликни интенсив тарғиб қиласидан янги алкогогла қарши кураш компанияси ташкил қилинди.

1987 йилда иқтисодий инқироз туфайли спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишга қарши кураш ва хушёрликни фаол тарғиб қилиш тұхтатилди. 1994-йилга келиб аҳоли жон бошига ўртача спиртли ичимликлар истеъмол қилиш Россияда ўлим даражасининг ўсишига олиб келди [12]. 1860-1990 йилларда СССРда аҳоли жон бошига спиртли ичимликларни истеъмол қилиш динамикасини расмда күрсатылған.



Расм. СССРда алкоголни ўртача жон бошига истеъмол қилиш (литрда)

Расмда көлтирилған маълумотлар ва шу даврлардаги амалдаги Қонунчилик билан солиширилса, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва ичкиликбозликка қарши ишлаб чиқылған қонунлар ўртасида бевосита боғлиқлик борлиги күрінади. Чекловчи чора-тадбирлар остида спиртли ичимликларни истеъмол қилиш камайғанлиги аниқланди.

Бугунги кунда Республикаизда ЖССТ: алкогол истеъмоли бүйіча дунёдаги мамлакатлар рейтинги бүйіча аҳоли жон бошига ўртача 2,7 литр соғ спирт истеъмол қилинади. Мамлакатимиз дунёдаги 189 мамлакат орасида аҳоли жон бошига алкогол истеъмоли бүйіча 137-үринни әгаллайды. Құшни республикалар билан солиширганда масалан, Қозоғистон 76, Қирғизистон 96, Туркманистан 107, Тожикистан эса 131, Хитой 82-үринни әгаллаб турибди [16].

Сүнгі йилларда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, сурункали касаллиklärинг олдини олишга қартилған кенг күләмли чора-тадбирлар амалға оширилмоқда. Жұмладан, алкоголизмге қарши кураш ва соғлом турмуш тарзи сиёсати қуидаги қонун ва қоидаларни ўз ичига олади [1,2,3].

"Алкоголь ва тамаки маҳсулоттарининг тарқатилиши, ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тұғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 2011 йил, 26 август;

"Алкоголь ва тамаки маҳсулоттарининг тарқатилиши, ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тұғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни амалға ошириш чора-тадбирлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 07.03.2012 й. №65 савдо ва умумий овқатланиш соҳасида;

Иш ва бошқа жамоат жойларыда тамаки маҳсулоттаридан фойдаланғанлик учун жарима солиши ва жамоат транспортида алкогол ва тамаки маҳсулоттаридан фойдаланғанлик учун жарималарни ошириш тұғрисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзgartириш ва құшымчалар киритиш тұғрисида" ги 29.12.2015 йилдаги ЎРҚ-396-сон Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидаларига ўзgartиши ва құшымчалар киритиш тұғрисида" ги ПФ-2597-сонли Фармони;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруги 2016 йил 30 ноябр №70, ва Адлия вазирлигининг №2840-сонли буйруги: спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларидан фойдаланышга рухсат бермайдыган огоҳдан-тиришларни киритиш ва жойлаштырыш тартибини тартиба солиши, шунингдек, жамоатчиликни тамаки маҳсулотларидан фойдаланыш учун мұлжалланған жойлар ва ёки бинолар ҳақида хабардор қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги қарори "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий хизматтар сифатини яхшилашта, ўтказилаёттан профилактика тадбирларининг самарадорлығи учун масъулиятни оширишга доир құшымча чора-тадбирлар тұғрисида" ги 718 - сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йұналиши бүйіча Ҳаракатлар стратегияси" ПФ-4947-сонли Фармони,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартағи "Ўзбекистон республикасыда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятни ташкил этишини янада тақомиллаштырыш чора-тадбирлари тұғрисида" ги ПҚ-2857-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июняғи "Жисмоний маданият ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида" ПҚ-3031-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартағи "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан тақомиллаштырыш чора-тадбирлари тұғрисида" ги ПҚ-5368-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги "Юқумли бўлмаган касаллиklärар

профилактикаси, соғлом турмуш тарзини құллаб-қувватлаш ва ақолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари түгрисида"ти ПҚ-4063-сонли қарори, ва шу қарорга мувофиқ 2019 - 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, ақолининг соғлом турмуш тарзини құллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари дастури;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар түгрисида"ти ПФ-5590-сон Фармони, ва шу фармонга мувофиқ 2019 - 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, ақолининг соғлом турмуш тарзини құллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш Концепцияси ва 2019 - 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, ақолининг соғлом турмуш тарзини құллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари Дастури тасдиқланди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда ичкиликбозлика қарши сиёсат ва қоидаларни анча кучли деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбекистонда алкогольга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ жорий ҳолат алкоголь ичимликларга акциз солигини ошириш акциз маркаларисиз спиртли ичимликларни сотиш тақиқланади. Акциз солиги ставкалари ҳар йили нарх динамикаси, сотиш ҳажми, инфляция ва бошқа омиллар асосида оширилади. Шунга қарамай, турли спиртли ичимликлар учун ўртача чакана нарх ЖССТ Европа минтақасидаги мамлакатлар учун нарх оралигининг пастки қисмига тўғри келади. Тақиқларни белгилаш ёки реклама бўйича мурракаб чекловлар (турли хил оммавий ахборот воситаларида) спиртли ичимликларни рекламасини чеклаш қоидаларини ўз ичига олади. Алкоголли ичимликларнинг ҳар қандай reklamasasi, жумладан, тадбирларга ҳомийлик қилиш ва кийим-кечакларга товар белгиларидан фойдаланиш тақиқланади. Спиртли ичимликларни истеъмол қилишини рагбатлантириш тақиқланади. Спиртли ичимликлар факат савдо лицензиясига эга бўлган чакана савдо нукталарида сотилиши мумкин. Чакана савдо воситалари ҳам чекланган; масалан, улар таълим, спорт ёки диний муассасалардан камида 500 метр радиусда жойлашмаслиги керак. Бундан ташқари, бир мижозга алкоголь порциядан максимал сонини тартибга солувчи қоидалари бор, шунингдек маст одамларга спиртли ичимликлар сотиш рад этилади. Алкоголни йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотиш тақиқланади.

Спиртли ичимликлар ичib автотранспорт воситалари бошқариш ман этилган, шунингдек ҳушёрликни текшириш пунктларида қондаги спирт миқдори текширилади. Спиртли ичимликлар таъсири остида автотранспорт воситалари бошқаришга жарималар жуда юқори. Жумладан, энг кам иш ҳақининг 25 баробаригача жарима ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш жазаси қўлланилади.

## Хулоса

Хулоса қилиб шуни такидлаш мумкинки, алкогольизмга қарши қураш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган чора тадбирлар ўтказилишига қарамасдан Республикамизда, бутун дунёдаги каби алкогольизм муаммоси долзарблигича қол-

моқда. Алкоголизм ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳар қандай жамият ва умуман цивилизациянинг ривожланишига тўсқинлик қиласи. Ичкиликбозлик ва алкогольизмнинг ижтимоий оқибатлари жуда кенг бўлиб, жамиятнинг кўп жиҳатларига салбий таъсир кўрсатади. Тиббий ва демографик оқибатлар, аҳоли саломатлик даражасининг пасайиши, касалланишнинг ортиши, ақолининг муддатидан олдин ўлеми, оиласарнинг бузилиши ва болаларнинг эътиборсизлигига намоён бўлади, бу эса ўз навбатида болаларнинг ичкиликка эрта берилишига олиб келади. Иқтисодий муаммолар моддий ресурсларни йўқотиш, меҳнат унумдорлиги камайтиришига касалликлар туфайли вақтингчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш ва ногиронликнинг ортиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳозирги иқтисодий шароит ва соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш даврида республикамизда алкогольизмнинг тарқалганилиги, алкогольизм оқибатида келиб чиқадиган тиббий - иқтисодий зарарни баҳолаш, аҳоли ўртасида зарарли одатлар хусусан, ичкиликбозлик профилактикаси, соғлом турмуш тарзини кенг тарқиб этишга илмий асосланган чоралар ишлаб чиқишига қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.
4. Ашурров З. Ш., Ходжаева Н. И. Особенности психотерапии алкогольной зависимости у пациентов с девиантным поведением/ Методические рекомендации. - Ташкент. - 2012. - 24 с.
5. Ашурров З.Ш. Девиант хулқ -авторли беморларда алкогольизм ва наркоманиянинг клиник ҳусусиятлари// докторлик дисс.-автореферати Т-2017 й, 59 бет
6. Гринченко Н.А. Трезвый образ жизни: практикум по теории и методике трезвенной работы. - Рабочая тетрадь № 1. - Елец: ЕГУ им. И.А. Бунина, 2012. - 69 с.
7. Короленко Ц.П., Завьялов В.Ю. Личность и алкоголь. - Новосибирск: Наука, 1987. - 170 с.
8. Лисицын Ю. П., Копыт Н. Я. Алкоголизм (социально-гигиенические аспекты). - 2-е издание, переработанное и дополненное. - М: Медицина, 1983. - 233 с.
9. Ловчев В.М. Римские философы I века до н. э. о психоактивных веществах. Учебно-методическое пособие. - Казань: Казанский филиал Челябинского танкового института, 2001. - С. 7-9.
10. Минаков С.Н. Медико-социальные аспекты и распространённость алкоголизма среди различных групп населения (на примере отдельного муниципального образования): Автодис. ... канд. мед.наук: 14.00.33; Московская медицинская академия. - Москва, 2008. - 25 с.
11. Мирошниченко Л. Д. Алкоголизм // Большая российская энциклопедия / С. Л. Кравец. - М: Большая Российская энциклопедия, 2005. - Т. 1. - С. 500-502. - 768 с. Роцина Я. М. Динамика и структура потребления алкоголя в современной России / Вестник Российского мониторинга экономического положения и здоровья населения НИУ ВШЭ. 2012. № 2. С. 238-257.
12. Сахаров А.В. Эпидемиологическая ситуация по алкогольной зависимости в субъекте РФ (модель изучения и система мониторинга): Дис.... докт. мед.наук: 14.01.27; Читинская Государственная Медицинская академия - 2012. - 295 с.
13. European Status Report on Alcohol and Health 2010 / World Health Organization 2010. - Р. 25-36, 290-295.
14. Holder H. International guide for monitoring alcohol consumption and related harm. WHO/MSD/MSB/OO.4. / H. Holder // World Health Organization, 2000. - Р. 3-15.
15. Global Status Report on Alcohol and Health 2011 (англ.). World Health Organisation.
16. [www.who.int/substance\\_abuse/publications/global\\_alcohol\\_report/en](http://www.who.int/substance_abuse/publications/global_alcohol_report/en)

Келиб тушган вақти 09.11. 2020